

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 9 июль, № 139 (7369) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА САККИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бормоқда.

Бугунги кунда юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган вазифалар — аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тадбиркорлик ва хусусий мулк ривожига кенг имконият очиб бериш, ёшлар, хотин-қизлар, кекса авлод вакиллари, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган дастурларимизнинг ижобий натижалари нафақат мамлакатимиз, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Халқимиз учун энг улуғ, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан кутиб олиш, бу қутлуғ санани унинг моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **“Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Ушбу дастурда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”** Давлат дастури, **“Обод қишлоқ”**, **“Обод маҳалла”**, **“Ҳар бир оила — тадбиркор”**, **“Ёшлар — келажагимиз”**, **“Беш ижобий ташаббус”** каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг маъно-мазмуни ва руҳи мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

Айниқса, охирги йилларда сиёсий-ижтимоий, иқтисодий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, жамиятимиз қиёфаси бутунлай ўзгаргани, бу ижобий ўзгаришлар юртдошларимиз ҳаётида ўз ифодасини топаётгани, халқимизнинг турмуш даражасини, онгу тафаккури, билим ва маданиятини ошириш бўйича қилинган ишларни конкрет далил ва мисоллар, чуқур илмий таҳлиллар ва экспертлик баҳолари орқали мамлакатимиз ва халқаро жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, долзарб мавзулар бўйича фикр алмашувлар, маданий тадбирларни самарали ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

Бу тадбирларни ташкил этишда мамлакатимизни модернизация қилиш, турли соҳа ва тармоқларни либераллаштириш борасида қўлга киритилган ютуқ ва натижалар бу йўлдаги дастлабки қадамлар эканини таъкидлаган ҳолда, баландпарвозлик, расмиятчилик ва юзакилик ҳолатларига йўл қўймасдан, холислик ва ҳаққонийлик тамойиллари асосида иш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилсин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар мамлакатимиз пойтахти, вилоят ва туманларида қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқа асарлари учун **“Ягонасан, муқаддас Ватан!”** республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда **“Энг улуғ, энг азиз”**, **“Ранглар жилосида — она диёр”**, **“Ватан учун яшайлик!”** каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 8 июль

## АВТОМОБИЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 июль куни автомобиль саноатини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимиз автомобилсозлиги ўтган йигирма уч йил мобайнида изчил ривожланиб, ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топди. Жорий йил 1 октябрдан имтиёзлар бекор қилиниши билан ушбу тармоқ ҳам эркин бозор шароитига ўтади. Бу корхоналарда замонавий бошқарув механизмларини жорий этишни, маҳсулотларни бозорбоп ва рақобатбардош қилишни талаб этади.

Жорий йилнинг олти ойида ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 154 фоиз ошиб, 1 триллион сўм соф фойда олинган. Қарийб 73 миллион долларлик автомобиллар экспорт қилинган. Ички бозорда маҳаллий автомашиналар улуши 97 фоизга етган.

Булар яхши, албатта. Бироқ гап локализация даражаси ҳақида борганда рақамлар мақтанарли эмас. Бу кўрсаткич енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда 45 фоиз, юк автомобиллари ва автобусларда 24 фоиз, холос.

Йиғилишда локализация даражасини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш орқали экспортни кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясига умумий ишлаб чиқариш ҳажмини 2023 йилга қадар ҳозирги 250 мингдан 350 мингга, экспорт ҳажмини камида 100 мингга етказиш вазифаси қўйилди.

Бунинг учун, аввало, тармоқда илғор бошқарув тизимини жорий қилиш, хорижий консалтинг компаниялари мутахассисларини жалб этиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннархини оптималлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Экспортда битта енгил автомобилнинг логистика харажати нархининг 8 — 10 фоизини ташкил қилиши қайд этилар экан, бу харажатни давлат томонидан қисман қоплаб бериш бўйича вазифалар белгиланди. Хорижий дистрибьюторлар билан биргаликда экспорт нархини қайта шакллантириш ва ташқи бозорларга кафолатли чиқиш юзасидан тавсиялар берилди.

Бугунги кунда 5 турдаги енгил автомобиль 5 та алоҳида платформада ишлаб чиқарилаётгани ҳам харажат, ресурс ва вақт сарфини кўпайтириб, маҳсулот нархига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шу боис йиғилишда ягона платформада бир неча маркадаги автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Хорижий компаниялар билан шерикликда тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш, “MAN Auto” ва “SamAuto” корхоналарига хитойлик ва япониялик ҳамкорларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини жалб қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига тармоқда локализация даражасини ошириш, хусусан, импорт қилинаётган 22 турдаги базавий қисмларни юртимизда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш вазифаси топширилди.

Импортни нотариф механизмлар орқали тартибга солиш, транспортларнинг атроф-муҳитга таъсири бўйича хорижий стандартларни жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари автомобиллар нархини барқарор сақлаб, сифатини ошириш, янги ҳамёнбоп моделлар ишлаб чиқариш ва маҳаллийлаштиришни кенгайтириш орқали маҳсулотларнинг бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган чора-тадбирлар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА.**

## Деразамиздан биринчи АЭС кўриниб туради

Атом электр станциясига қўшни бўлиш Фориш тумани аҳолисига нима беради?




*Тузкон кўли яқинида Ўзбекистоннинг илк атом электр станцияси бунёд этиладиган бўлди. Депутатлар, экологлар ва бошқа мутахассислардан иборат гуруҳ Жиззах вилоятининг Фориш туманига ташриф буюриб, маҳаллий аҳолининг тез орада бу ерда энергетика гиганти пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлари билан қизиқди. Шунингдек, мазкур лойиҳа тўғрисида атрофлича маълумот ҳам берилди.*

### Беихтиёр экспертга айланишди

Бир муддат аввал форишликлар ёппасига электр асбобларининг билимдони, нафақат билимдони, балки экспертига айланишди. Бундай махсус билимлар ёшга қараб тақсимланди, десаям бўлади. Агар болалар фонарни ёқишга мўлжалланган батареяларнинг тури ва кучини яхши ажратадиган бўлишса, уй бекалари ичига аккумулятор ўрнатилган энергия тежовчи лампочкалар билан яхши “танишиб” олишди. Эркаклар бензинли ва дизель ёнилғили генератор каби бир оз жиддий техника билан дўст тутинишди. Қарангки, сиқилган газда ишловчи “движок” пайдо бўлди-ю, бу воқеа катта шов-шув келтириб чиқарди. Тошкентда эса ўша вақтда айфоннинг янги русумини муҳокама қилишарди. Ҳақиқатан ҳам, ушбу билим ва лаёқатлар беихтиёр, зарурат туфайли эгалланган. Ахир электр таъминотидаги узилишлар республикамиздаги бошқа туманлар қатори Форишни ҳам четлаб ўтмайди-да.

➡ 2

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 19 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2019 йил 21 июнда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, №12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337 моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **$66^1$-модданинг биринчи қисми** «$141^1$-моддасининг биринчи қисмида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш)» деган сўзлардан кейин «$141^2$-моддасининг биринчи қисмида (шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **$141^2$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$141^2$-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса;

в) ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этилган бўлса;

г) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;

д) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **38-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят ишлари бўйича суриштирув:

1) ички ишлар органларининг;

2) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;

3) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;

4) Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг;

5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг суриштирувчилари томонидан амалга оширилади»;

2) **$39^{1}$-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **13-банд** билан тўлдирилсин:

«13) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари – қонун билан уларнинг иш юритишига берилган ишлар бўйича»;

3) **345-модданинг олтинчи қисмидаги** «$259^{1}$» рақами чиқариб ташлансин;

4) **$381^{2}$-модданинг биринчи қисми**:

**1-бандидаги** «$250^{1}$-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **5-банд** билан тўлдирилсин:

«5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва унинг жойлардаги бўлинмалари – Жиноят кодексининг $250^{1}$-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари) ва $259^{1}$-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$46^{2}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$46^{2}$-модда. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш**

Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, –

фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «$46^{1}$» рақамидан кейин «$46^{2}$» рақами билан тўлдирилсин;

3) қуйидаги мазмундаги **$248^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$248^{1}$-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари**

Ушбу Кодекснинг $185^{1}$-моддасида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлардан ташқари) ва $210^{1}$-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1-моддаси, 3-моддасининг 1 ва 2-бандлари 2019 йил 1 октябрдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 8 июль
№ ЎРҚ–548

# Деразамиздан биринчи АЭС кўриниб туради

1 ➡ Нима учун шундай бўлади? Бу саволга оддий ҳисоб-китоб орқали жавоб бериш мумкин. Мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби — йилига 69 миллиард киловатт-соатга тенг. Айни вақтда фаолият кўрсатаётган иссиқлик ва гидроэлектр станциялари 64 миллиард киловатт-соат энергия ишлаб чиқаради. Башоратларга кўра, 2030 йилга бориб, мавжуд эҳтиёж икки баравар ортади. Янги генератор манбалари ишга туширилмаса, энергия тақчиллиги 48 миллиард киловатт-соатгача етади.

Демак, шу туманда яшовчи Анвар Ҳусанов тан олганидек, вазиятдан чиқиш йўлини излашга мажбурмиз. “Ёзда-ку, чидаса бўлар, — дейди у. — Аммо қишда электр токини ўчириб қўйишса, жуда қийналамиз. Тез қоронғи тушади, бунинг устига, ҳаво совуқ. Ана шунда турли мосламалардан фойдаланамиз. Ҳеч бўлмаганда, ота-боболаримиз ишлатган лампа ёки шамга кунимиз қолади.

## Муаммога ўрин қолмайди

Фориш — олис туманлардан бири. Бу ерга янгиликлар жадаллик билан етиб келмайди, ўзгаришлар ҳам тез рўй бермайди. Йўлларнинг сифати ночор, инфратузилма ва саноат ривожи суст. Ишсизликнинг оқибатлари ҳам ўзини кўрсатмай қолмайди. Туман ҳокимлиги маълумотига кўра, 90 минг нафар аҳолидан беш минг нафари ишсиз.

Энди тасаввур қилаверинг: бир уринишда барча муаммони ҳал этиб, атомчилар шаҳарчасини қуриш ва коммуникацияларни яхшилашни ваъда қилаётган мутасаддиларни форишликлар ким, деб қабул қиларкин? Ҳеч бўлмаганда — сеҳргарлар, деса керак?

— Электр таъминотида узилиш фақат сизлардагина эмас, балки бутун бир катта ҳудудда ҳам бўлмайди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Борий Алихонов туман фаоллари йиғилишида. — Бандлик масаласига келсак, бу ерларда бўш иш ўринлари қолмайди. Бундай йирик иншоотда маош ҳам катта бўлади.

АЭСни хорижлик ишчилар қуриши тўғрисидаги хавотирга жавобан бош пудратчи — “Атомстройэкспорт”нинг вице-президенти Андрей Кучумов ишонтириб айтишича, лойиҳани амалга оширишда ўз кучларидан эмас, балки максимал даражада Ўзбекистон салоҳиятидан фойдаланилади. Бу — ҳам мамлакатимизнинг қурилиш компаниялари, ҳам кўзда тутилган ҳажмда маҳаллийлаштириш ва жиҳоз етказиб бериш, демакдир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Дятлов воқеаси

Хўш, номида “атом” деган қўрқинчли сўз мавжуд бўлган ҳайбатли иншоотга яқин жойда яшаш қанчалик хавфсиз? Учрашувда интиқлик билан кутилган савол ҳам шу эди, албатта.

Борий Алихоновнинг изоҳига кўра, ички бир ваҳимага қарамай, атом электр станциясини атом қуроли билан боғлаш керак эмас. АЭСда ишлатиладиган уран беш фоизгача бойитилган, холос. У портламайди. Қурол учун мўлжалланган ураннинг кўрсаткичлари эса бир неча баравар юқори бўлади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, станция устига ҳатто осмондан “Боинг” самолёти қуласа ҳам, у ишлайверади. Уни сув босиши хавфи ҳам йўқ. “3+” авлод реакторларининг хавфсизлиги учун 21 та мустақил тизим жавоб беради, Форишда эса айнан шундай реакторлар ўрнатилади. Агар бирорта бузуқ ниятли душман хавфсизликни таъминловчи 11 босқичдан ҳам ўтиб, АЭСга кирди, деб тахмин қилсак... Ўшандаям авария содир эта олмайди. Чунки бир-биридан автоном ҳолатда ишловчи тизимлар бунга йўл қўймайди.

Тўғри, жуда аянчли мисол бор ва у ҳисобга олинган. 1986 йилдаги Чернобиль ҳалокатини ким эсламайди дейсиз? Чиндан ҳам, унга инсон омили сабаб бўлган. Тарихдан маълумки, авария Анатолий Дятлов раҳбарлигида ўтказилган синовлар натижасида келиб чиққан.

“Ўзатом” агентлиги эса “3+” авлод реакторларининг ишига инсон аралашиши умуман мумкин эмас, деб уқтирмоқда. Бундан ташқари, МАГАТЭ талабларига кўра, атом электр станциясидаги реакторлар билан тажриба ўтказиш тақиқланган. Фукусима воқеасидаги хатоликлар устида ҳам етарлича иш олиб борилган.

**Мутахассислар фикрича, Ўзбекистонда АЭС қурилиши:**

- **2030 йилда атом электр станцияси умумий электр энергиясининг 18 фоизини ишлаб чиқариш имконини беради.**
- **Ҳар йили 3,5-3,7 миллиард $м^3$ табиий газ тежалади.**
- **АЭС қурилиши жараёнида 8 мингдан ортиқроқ, қуриб бўлинганидан сўнг эса 2,5 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади. Ҳар бир иш ўрни бошқа соҳаларда яна 7 та янги иш жойи очилишини таъминлайди.**
- **Атмосферага 14 миллион тоннагача карбонат ангидрид ва 36 минг тоннагача зарарли иссиқхона газлари чиқарилишининг олди олинади.**

## Афзалликлар жуда кўп...

Дарҳақиқат, АЭС афзалликлари ҳақидаги далиллар хавф ҳақидаги гап-сўзларга нисбатан баландроқ янграяпти. Ўзи бўладими, ахир? Фориш тумани бутун Марказий Осиёда биринчи атом пойтахтига айланмоқчи!

Бугунги кунда майдонига нисбатан олимлар сони бўйича у барча қишлоқ туманлари ичида етакчи, деб бемалол айтиш мумкин. Улар станция қад кўтарадиган ернинг ҳар бир қаричини синчиклаб ўрганишмоқда.

— Муҳандислик-қидирув ишларининг иккинчи босқичи бошланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари, “Ўзатом” агентлиги бош директори Жўрабек Мирзамаҳмудов. — Бу жойни танлаш учун бир йил давомида барча имкониятлар ўрганиб чиқилди. Шу сингари иншоотларни қуришга қўйиладиган талабларга мос келади.

“ЎзГАШКЛИТИ” бош директори Йўлдош Маъруповнинг сўзларига кўра, мутахассислар 735 квадрат километр майдонни тадқиқ қилиб чиқишди. Бу иш қандайдир ножўя таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, ҳудудга хос барча омилларни ҳисобга олиш учун керак эди. Ер 120 метр чуқурликкача бурғиланди. Учувчисиз аппаратлар ёрдамида уч ўлчамли харита-режа тузилди. 17 томдан иборат тадқиқотлар буюртмачиларимиз бўлган россиялик мутахассисларга топширилди.

Периметр бўйлаб еттита сейсмик станция ўрнатилди. Асбоблар бу ерда жуда кўпи билан етти баллгача ер қимирлаши мумкин, деган хулоса берди. АЭС бўлса, тўққиз баллгача чидамли.

Майдончада илк маротаба бўлғуси иншоотнинг номи ҳам янгради. У Ўзбекистоннинг биринчи АЭСи деб аталади. Ҳозирча у айнан шундай номланмоқда. Балки келажакда номи учун танлов эълон қилинар. Ж. Мирзамаҳмудов айтганидек, айни вақтда барча саъй-ҳаракат ишни сифатли бажаришга қаратилган.

**Руслан КЕНЖАЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Муносабат

**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзоси:**



— Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси иккинчи ва учинчи ўқишда “Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилди. Бу билан атом энергетикаси соҳасидаги давлат институтларининг фаолияти, шунингдек, ундан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш механизмларининг ҳуқуқий асослари яратилади.

Ҳар йили электр энергияси ишлаб чиқариш учун бир неча миллион тонна кўмир, миллиардлаб куб метр газ ва бошқа ёқилғи ишлатилади. Атмосферага жуда катта ҳажмдаги чиқиндилар чиқарилади. Бунинг инсонлар саломатлиги, атроф-муҳитга салбий таъсири ҳам шунга яраша. АЭС қурилиши нафақат экологик тоза энергия ишлаб чиқариш, балки тобора ўсиб бораётган иқтисодиётимиз талабларини қоплаш имконини ҳам беради. Биз станция бунёд этиладиган майдонни ўз кўзимиз билан кўрдик, мутахассислар билан суҳбатлашдик. Галдаги вазифамиз — жойларда аҳолига янги технологияларнинг афзалликлари, улар ҳаётимизни нақадар ўзгартириб юбориши, мамлакатимизни ривожлантиришга ёрдам беришини тушунтириш.

**Ёдгор УСМОНОВ**
**(Фориш тумани):**



— Мен туманимиз келажагига бефарқ эмасман, шунинг учун мутахассислар ва депутатларнинг фикрларини диққат билан тингладим. Бу лойиҳа бизга катта наф беради, деган умиддамиз. Иш ўринлари яратилса, ёшларимиз четга чиқиб кетишмайди. Туман иқтисодиёти ҳам ривожланади, электр таъминотида ҳам узилишлар бўлмайди.

Мен маҳаллий эпидемиологик станцияда санитар врач бўлиб ишлаганман. Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш хавфсиз эканлигини аввал ҳам билардим. Лекин мутахассисларнинг фикрини эшитиш қизиқарли. Масаланинг майда тафсилотларигача билишга ҳаракат қилдим. Кейинчалик бу ҳақда таниш-билишларимга гапириб бермоқчиман. Лойиҳани тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Бу биз учун жуда муҳим ва зурур.

**Алишер САНЕТУЛЛАЕВ,**
**“Москва муҳандислик-физика институти” миллий тадқиқот ядро университетининг (“ММФИ” МТЯУ) Тошкентдаги филиали ижрочи директори:**



— Атом энергетикаси соҳаси учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишлари бошлаб юборилган. Президент қарорига кўра, мамлакатимизда таълим сифати бўйича Россияда энг яхши учта олий ўқув юртидан бирининг филиали очилди. Шу йилдан бошлаб “Москва муҳандислик-физика институти” миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкент филиалида тўрт йўналишда — ядро энергетикаси ва иссиқлик физикаси, ядро физикаси ва технологияси, иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик техникаси, электр энергетикаси ва электротехника бўйича юз нафар талаба қабул қилинади. Улар грант асосида таҳсил олишади.

# МАҚСАД – МИНТАҚАДА «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ»ГА ЎТИШ ЖАРАЁНИНИ ТЕЗЛАШТИРИШ

**Тошкентда 8 июль куни «яшил иқтисодиёт» бўйича Европа ва МДҲ мамлакатлари вазирлари минтақавий конференцияси иш бошлади.**

Экологик жиҳатдан тоза иқтисодиётга эришиш бўйича мазкур конференция учта асосий йўналиш — “яшил иқтисодиёт”ни таъминлаш учун меъёрий-ҳуқуқий база ва сиёсатни такомиллаштириш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик муносабатлари орқали инновацион “яшил инвестиция”ларни рағбатлантириш, иқтисодиётга экологик тоза технологияларни тўлиқ жорий этиш каби мақсадларга қаратилган.

Форум “яшил иқтисодиёт”ни таъминловчи, минтақа мамлакатларида БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш кун тартибини амалга ошириш талабларига жавоб берадиган қарорларни илгари суради.

“Яшил иқтисодиёт” бўйича Европа ва МДҲ мамлакатлари вазирлари даражасидаги 2019 йилги минтақавий конференция Ўзбекистон ҳукумати, Бутунжаҳон “яшил иқтисодиёт” ташкилоти томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда ҳукуматлар масъул ходимлари, халқаро ташкилотлар, жамғармалар, хусусий сектор, шунингдек, барча қитъалардан фуқаролик жамияти вакиллари иштирок этмоқда.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, молия вазири Жамшид Қўчқоров МДҲ ҳудудида илк бор ташкил этилган мазкур конференция Ўзбекистоннинг сиёсий йўли, Бутунжаҳон “яшил иқтисодиёт” ташкилоти ўз олдига қўйган мақсадларга тўла мос келишини таъкидлади. Ўзбекистон жиддий экологик муаммолар йиғилиб қолган минтақада жойлашгани боис, ушбу йўналишда амалга оширилаётган лойиҳалардан бевосита манфаатдорлиги қайд этилди.

Бутунжаҳон “яшил иқтисодиёт” ташкилоти директори Абдул Раҳим Султон Ўзбекистоннинг “яшил иқтисодиёт”ни жорий қилиш бўйича ташаббуслари халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланаётганини таъкидлади. Бу заминда экологик таҳдидлар жуда долзарб ва шунинг учун ҳам томонлар давлат ва хусусий сектор вакиллари ҳамда халқаро ҳамжамият ўртасида “яшил иқтисодиёт” мақсадларини амалга ошириш бўйича узвий ҳамкорлик ўрнатишни кўзламоқда.

Анжуманда мамлакатимизнинг Бутунжаҳон “яшил иқтисодиёт” ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар ҳаракатига қўшилиш йўлидаги фаол амалий ҳаракатлари эътироф этилди. Хусусан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида экологияни яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инновацион технологияларни ривожлантириш, тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва бошқа “яшил иқтисодиёт”га ўтишга оид долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

“Яшил иқтисодиёт” бўйича Европа ва МДҲ мамлакатлари вазирлари даражасидаги 2019 йилги минтақавий конференция “яшил иқтисодиёт” бўйича ҳар йили ўтказиладиган Бутунжаҳон саммитининг мантиқий давомидир. Анжуман Европа ва МДҲ мамлакатлари томонидан ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган, “яшил иқтисодиёт” соҳасидаги аниқ маълумотлар ва қарорларга асосланган муваффақиятли таъсир воситаларини ўзлаштиришга йўналтирилди.

Конференция доирасида “яшил технология”ларни жорий этиш, “Яшил иқтисодиёт”га қуёшли инвестицион ўтиш” сингари мавзуларда шуъба мажлислари ўтказилади. Анжуман якунида Бутунжаҳон “яшил иқтисодиёт” ташкилоти мутахассислари иштирокида “яшил иқтисодиёт”га ўтиш кўламини кенгайтириш бўйича тренинг машғулотлари ташкил этилади.

**Ғ. ХОННАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

# Фракциялар видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалаларга қандай муносабат билдирди?



*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 5 июль куни биринчи ярим йилликда Давлат бюджетига тушумлар натижадорлигини таҳлил қилиш ва янги вазифаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ва унда кўтарилган муҳим вазифалар муҳокама этилди.*

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан 2018 йил 29 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижасига хизмат қилмоқда.

Қайд этиш жоизки, давлатимиз раҳбари ўтказган видеоселектор йиғилишида мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган жуда муҳим вазифалар хусусида сўз юритилди.

Фракциялар йиғилишларида давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган ушбу видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ҳамда улардан келиб чиқадиган муҳим вазифалар атрофлича таҳлил этилди.

Ҳар бир фракция бу борада ўз муносабатини билдирди. Хусусан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзоларининг таъкидлашича, юртимизда мутлақо янги солиқ ислоҳотлари ҳаётга жорий этилиши, солиқ текширувларига мораторий эълон қилиниши тадбиркорликни ривожлантиришга кучли туртки берди. Энг муҳими, тадбиркорларга қийинчилик туғдирмаслиги учун, таннархи қимматга тушиб, давлат ғазнасига оғир юк бўлган бўлса-да, энергия ресурслари тарифлари, нархлар оширилмади. Фракция аъзолари Президентимизнинг бундай оқилона сиёсати юртимизда ишбилармонликни оёққа турғазиш ҳамда ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгалигини қайд этдилар.

Энди, Президент таъкидлаганидек, тадбиркорлардан солиқ мажбуриятини тўлиқ бажаришни талаб қилиш билан бирга, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш ҳам керак. Қўшимча қиймат солиғини бир йўла ҳисобга олиш ва уни солиқ тўловчига қайтариш механизмини жорий этиш лозим. IT-технологияларини иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолиятига кенг қўллашга ўтиш орқали ҳақиқий нарх белгилаш, ички бозорда тадбиркорлар учун бир хил шароит яратиш, янада соғлом рақобат муҳитини шакллантириш галдаги энг долзарб вазифалардан саналади. Бу мамлакатимизнинг жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиши учун ҳам муҳим.

**Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси** аъзолари нафақат солиқ сиёсатида, балки барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар халқимизни бой қилиш, одамларнинг турмушини фаровон этишга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан ўтказилган мазкур видеоселектор йиғилишида айтилганидек, охирги икки йилда аҳолини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш объектларини узлуксиз электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, аҳолига етказиб берилаётган электр энергияси ва табиий газ учун тўловлар нархи қарийб оширилмади. Бу ҳам давлатимизнинг халқимизни ўйлаб олиб бораётган бағрикенглик сиёсати туфайлидир.

Солиқ ҳам, коммунал тўловлар ҳам мамлакат бюджетини шакллантиришнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Ҳозир узлуксиз электр энергияси ва табиий газ таъминоти йўналишидаги ишларни янада яхшилаш мақсадида етказиб берувчи тармоқларни модернизация қилиш, тежамкор технологияларни қўллаш ва харажатларни оптималлаштириш талаб этилмоқда. Буларсиз тармоқларнинг молиявий аҳволини яхшилаш ва соҳага фаол инвестицияларни жалб қилишнинг имкони йўқ. Шу боис фракция аъзолари томонидан одамларнинг солиқ тўлаш моҳиятини англаб етиш, энергия ресурсларини тежаш ва тўлов маданиятини юксалтириш, тафаккурини ўзгартириш муҳим вазифалардан ҳисобланиши лозимлиги таъкидланди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари юртимизда солиқ ислоҳотлари ва нарх-наво сиёсати халқчил тарзда юритилаётганини билдиришди. Шу боис ҳам мазкур соҳаларда аҳоли манфаатларини кўзлаб, узоқни ўйлаб амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бу жараёнда, айниқса, кам таъминланган, ночор оилалар аҳволи доим инобатга олинаётгани диққатга моликдир.

Шу жиҳатдан, фракция аъзолари мамлакатимиз раҳбари томонидан ўтказилган мазкур видеоселектор йиғилишида кўтарилган ҳар бир масала давлатимиз ва жамиятимизнинг ривожланиши билан бир қаторда, аҳолининг манфаатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигига эришишда муҳим аҳамият касб этишига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси** вакиллари томонидан партия сайловолди дастурида белгилаб олинганидек, ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва халқ манфаатларини кўзлаб олиб борилиши тарафдори экани айтиб ўтилди. Давлатнинг бошқарувчилик фаолияти иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида муҳим роль ўйнаши ва давлат бозор иқтисодиёти шароитида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш йўлида хизмат қилишини таъминлаши эътироф этилди.

Президентимиз томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалаларга ана шундай ёндашув асосида қараган фракция аъзолари мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари фикрларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган, аҳоли учун тарифларни кескин оширмасдан, инфляция даражасига яқин миқдорда ўзгартириш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Айниқса, тариф ислоҳотлари халққа енгил бўлиши учун энг кам иш ҳақини ҳам ошириш режалаштирилгани адолат мезонларига тўла мос келишини қайд этган ҳолда, бу ғоя қўллаб-қувватланди.

Умуман, фракциялар йиғилишларида депутатлар бу ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ва тадбиркорларга чуқур тушунтириш, соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашда масъулликни янада ошириш ҳамда қўшимча қиймат солиғини тўлашга ўтадиган тадбиркорлик субъектлари билан манзилли иш ташкил қилишда фаол қатнашиши лозимлиги таъкидланди. Юртдошларимизга, ишбилармонларга бу борада ҳар томонлама амалий ёрдам бериш юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Натижалар таҳлил қилинди, вазифалар белгилаб олинди

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси яқин истиқболда қишлоқ хўжалиги вазирининг аграр соҳани ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати ҳақидаги ҳисоботини эшитиш, боғдорчилик-узумчилик ширкатлари фаолиятининг амалдаги ҳолати ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш масалаларини ўрганишни мақсад қилмоқда. Бундан ташқари, сенаторлар ривожи орқада қолаётган ғўза майдонларида қўшимча агротехник тадбирларни ўтказиш ишларини вилоятлар мисолида ўрганиш, бу масала юзасидан мутасадди вазирлик ва идораларнинг ахборотини эшитиш каби чора-тадбирлар белгиланганини қайд этишди.*

Бу ҳақда қўмитанинг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти ҳамда истиқболдаги режаларига бағишланган матбуот анжуманида сўз юритилди.

Ўтган даврда қўмита қишлоқ хўжалигида ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишда ўзининг назорат-таҳлил ваколатларидан самарали фойдаланди. Хусусан, сенаторлар томонидан 7 та назорат тадбири, 3 та конференция ва семинар ўтказилиб, сайловчилар, шунингдек, мурожаат қилган жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан жами 19 та парламент ва сенатор сўрови юборилди.

Жумладан, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг сув объектларига оқинди сувларни оқизишга йўл қўйиш шартларига оид қисмининг Тошкент вилоятида, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг чиқиндиларни сақлаш, кўмиб ташлаш ва утилизация қилишга доир талабларга оид қисмининг Сурхондарё ҳамда Фарғона вилоятларида ижро этилиши ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича аниқ таклифлар мутасадди идораларга етказилди.

Бундан ташқари, йил якунига қадар масъуллар томонидан вазирлик ва давлат қўмиталари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларни бажариш, уларга эришиш бўйича 4 та вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш режалаштирилган.

*Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси фаолияти натижалари ва келгусидаги режаларига бағишланган матбуот анжуманида Молия, Иқтисодиёт ва саноат, Энергетика вазирликлари, Ҳисоб палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк вакиллари иштирок этди.*

Қўмита ўз фаолиятида мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига оид барча йўналишни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган дастур ва ҳужжатлар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, тегишли давлат ва ҳудудий дастурларнинг жойлардаги ижроси ўрганилди. Бу борада амалга оширилган ишлар танқидий кўриб чиқилди ҳамда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қўмита томонидан жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, уларни солиққа тортишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолати ва бу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиёти юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазирига парламент сўрови юборилди.

Шунингдек, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг Молия вазирлиги томонидан ижро этилиши, Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ижро қилиниши ўрганилди, йўл қўйилган камчиликларни ҳал этиш бўйича амалий ташаббуслар масъулларга етказилди.

Навбатдаги вазифалар ҳақида сўз юритилар экан, келгуси даврда қўмита ўз фаолиятида асосий эътиборни давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 июнда бўлиб ўтган Сенатнинг йигирманчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга қаратиши таъкидланди.

Хусусан, 4 та вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, шунингдек, хотин-қизларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши бўйича парламент эшитувини ўтказиш назарда тутилган.

Бўш турган, қурилиши тугалланмаган объектлардан ва ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланишга доир қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини ўрганиш, импорт қилинаётган маҳсулотлар ҳажми ва унга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, импорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳисоботини эшитиш каби тадбирлар белгиланган.

Сенаторлар томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда Давлат бюджетини шакллантиришда гендер тенглиги масалалари, хотин-қизлар манфаатлари ва уларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда таҳлил қилиб, тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ҳам режалаштирилган.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Транспорт инфратузилмаси ва сайёҳлик:

# СОҒЛОМ РАҚОБАТГА НИМА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛЯПТИ?



Таҳлил

*Ўтган йили Саудия Арабистонидан Грузияга 74 минг, Озарбайжонга 54 минг ва Малайзияга 33 минг нафар сайёҳ ташриф буюрди. Ўзбекистонга эса ушбу мамлакатдан бор-йўғи 821 нафар меҳмон зиёратга келган. 2018 йил мобайнида саудияликлар биргина Малайзияда 916 миллион (салкам 1 миллиард!) доллар сарфлашган. Бу битта давлат саёҳатчиларидан келган даромад.*

*Шу ўринда табиий савол туғилади. Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Фарғоний каби ислом оламининг бутун дунёга машҳур олиму алломалари юрти — Ўзбекистонга нега хорижлик меҳмонлар оқими суст? Келинг, мутасаддилар, мутахассислар, оддий одамлар ва сайёҳлар фикрлари асосида транспорт инфратузилмасидаги нуқсонлар ҳамда камчиликлар мисолида бунинг сабабларини таҳлил этишга ҳаракат қилсак.*

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида туризмни жадал тараққий эттириш орқали 2025 йилгача юртимизга ташриф буюрадиган хорижлик сайёҳлар сонини 7 миллион нафарга, ундан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш лозимлигини таъкидлаганди. Бугун туризм инфратузилмасини яхшилаш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотлар қанчалик самара беради? Бунга нималар халақит бермоқда?

Яқинда Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида ушбу масала атрофлича муҳокама қилиниб, унинг бир қатор асосий сабаблари ўрганилган. Ушбу омиллар қаторида сайёҳларнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланиши учун транспорт хизмати кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган, деган нотўғри тасаввур мавжудлиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Аслида ҳам бу нотўғри тасаввурми? Мақоламиз аввалида фақат Саудия Арабистони сайёҳлари энг кўп ташриф буюрадиган давлатлар рўйхатини бежиз келтирмадик. Жидда (Саудия Арабистони)дан Куала Лумпур (Малайзия)гача бўлган масофа 7000 километрни ташкил этади. Бунинг учун 8 соату 40 дақиқа парвоз қилинади. Чипта нархи эса 509 доллардан бошланади. Саудия Арабистонининг мазкур шаҳридан Тошкентгача бўлган масофа 3500 километрни ташкил қилгани баробарида, 4 соату 40 дақиқа училади. Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси чипта нархлари 870 доллардан бошланади. Масофалар тенг ярмига фарқ қилишига қарамай, нархдаги тафовут деярли 35 — 40 фоизни ташкил қилмоқда.

Демак, мамлакатимизда транспорт тизимида сақланиб қолаётган монопол тизим биргина сайёҳлик ривожидаги энг катта тўсиқ, дейиш мумкин. Хулосамизни далиллар билан бойитсак.

## «Бир йилда икки баробар қимматлашди»

— Алмати шаҳрига бориш учун Тошкентдан поезд чипталарини қидирдим, — дейди ziyo.uz сайти асосчиси ва блогер Давронбек Тожиалиев. — Бугунга бор экан (2019 йил 19 июнь). Тезюрар “Тальго” поезди. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ сайтига кириб, нархини билдим: энг арзон билет 328 824 сўм. Купе — 756 931 сўм, люкс — 1 091 103 сўм. Сайтда ёзилишича, чипта нархи билан бирга воситачилик йиғими ҳам олинаркан. МДҲ давлатларига қатнайдиган поездлар учун 70 000 сўм. Жами 400 000 сўмга яқин бўларкан. Қимматлик қилди.

Бор-е, дедим-да Черняевкадан Чимкентга йўлга чиқдим. Таксида 1500 тенге (33000 сўм) билан Чимкент темир йўл вокзалига етиб олдим. Шу ердан айни Тошкент — Алмати поездига Чимкентдан Алматигача чипта олдим: 3800 тенге (83600 сўм). Тошкентда 400000 сўм бўлган чипта Чимкент орқали менга 116600 сўмга тушди. Ўша рейс, ўша поезд, ўша вагонлар, ўша йўл. Тошкент — Чимкент оралиғидаги масофа 130 км. холос. Чипта нархи эса камида 3 баравар арзон.

— Ўтган йили июль ойида Тошкент — Париж — Тошкент рейсининг чиптасини 3 600 000 сўмга сотиб олган эдим, — дея сўзини давом эттиради блогер Феруз Аллаев. — Нимадир чегирмалар беришганди. Чиптанинг ўртача нархи адашмасам, 4 200 000 сўм эди. Бу йил ҳам июль ойига Парижга чипта олмоқчи бўлдим. Чипта нархи 6 150 000 сўм. Нарх чегирмадаги қийматдан 2 550 000 сўм, яъни 300 долларга ошган. Шунинг учун ҳам Истанбул орқали учишга қарор қилдим.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ хизматида ҳам муаммолар бисёр:

— Темир йўл кассаларидаги муаммоларга, сансалорликларга ҳам қачондир чек қўйиламикин, — дейди Хўжайли туманилик Давронбек Юсупов. — Ўзим тадбиркорман, тижорат ишлари туфайли қўшни мамлакатларда ҳам жуда кўп сафарда бўламан. Муаммонинг туб моҳияти шундаки, бизда темир йўл чипталари жуда қиммат. Боз устига, бор чиптани ҳам бронь қилинган, чипта йўқ, дея сарсон қилишади. Ишонмасангиз, Хоразм ва Қорақалпоғистонга бўм-бўш қатнаётган поезд вагонларига чиқиб кўринг. Бундан кўзланган мақсад нима?

## Мутахассис фикри: «Имкониятларимиздан оқилона фойдалана олмаяпмиз»

— Авиақатновлар кам, чипталар нархи эса осмонда. Бугун дунёда транспорт ҳаракатларининг 80 фоизи сувда амалга оширилади. Атиги 20 фоизигина авиа, темир йўл ва автомобиль транспорти ҳиссасига тўғри келади, — дейди самарқандлик олий даражали гид-таржимон Ўктам Ражабов. — Бизда сув транспорти йўқ. Шундай экан, мавжуд имкониятларимиздан ҳам оқилона фойдалана олмаяпмиз. Бизга мурожаат қилаётган сайёҳларнинг аксарияти авиачипталарнинг қиммат эканлигидан шикоят қилишяпти. Бу, ўз навбатида, юртимизга хорижлик меҳмонлар оқимининг кенгайишига асосий тўсиқ бўлмоқда. Улар жон деб бизнинг қадим шаҳарларимизни кўришни, осориатиқаларимиз билан яқиндан танишишни хоҳлашади. Мана, масалан, Туркия давлатини олинг. Барча қатновларга авиачипта нархлари арзон қилиб белгиланган. Нега? Чунки қанча сайёҳ кўп келса, мамлакат шунча ривожланади. Савдо, умумий овқатланиш ва меҳмонхона хизматлари тизими юксалади. Туризмни ривожлантириш учун биз, аввало, шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

## Мутасаддиларнинг жавоби аниқ: «Биз монополист эмасмиз»

Жорий йил 20 июнь куни пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК мутасаддилари иштирокида матбуот анжумани ўтказилганди. Унда ижтимоий тармоқларда сўнгги пайтларда Миллий авиакомпанияга нисбатан кўп қўлланилаётган монополия масаласи кўтарилганди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК Бош директори биринчи ўринбосари Умид Ҳусанов бу саволга қуйидагича жавоб қайтарди:

— Негадир шу масала кўп кўтарилади. Тўғри, биз республика ҳудудидаги ягона авиаташувчимиз. Лекин монопол ташкилот эмасмиз! Бизнинг ҳеч кимга қаршилигимиз йўқ, авиакомпания очсин, марҳамат — ишласин. Аксинча, соғлом рақобатда ривожланиш бўлади. Самолёт сотиб олсин, учувчи топсин, зарур ташкилотлар билан келишсин, ишлайверсин.

Маълумот ўрнида таъкидлашни истардимки, бугунги кунда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК аэропортларидан 63 та халқаро йўналиш бўйича мунтазам қатновлар йўлга қўйилган. 2017 йилда уларнинг сони 58 та эди. Ўтган йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар тўртта янги йўналиш очилди — Мумбай (ҳафтасига 3 қатнов), Владивосток (ҳафтасига 1 қатнов), Жидда (ҳафтасига 3 қатнов) ва Жакарта (ҳафтасига 2 қатнов).

2018 йил якунига кўра, Миллий авиакомпания ўз тарихида илк маротаба уч миллионлик босқични босиб ўтиб, 3 миллион 173 минг йўловчини ташиди. Бу эса 2017 йил кўрсаткичига нисбатан 117 фоиз кўп деганидир. Бундан 1 миллион 91 минг йўловчи узоқ хориж мамлакатларига, 1 миллион 477 минг — МДҲ йўналишларида ва 606 минг йўловчи ички йўналишларда ташилди. Ушбу йўловчиларнинг 800 мингдан ортиғи хорижий фуқаролар, шу жумладан, 56 минг нафари Қозоғистон, 16 минг нафари Тожикистон ва 12 минг нафари Қирғизистон фуқароларидир. Россия Федерацияси, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Қозоғистон Республикаси, Корея Республикаси Миллий авиакомпания учун асосий йўловчи ташувлари бозори ҳисобланади.

Авиакомпаниямиз томонидан 2018 йилда чегирмалар тақдим этилди — вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Россия Федерациясига сафарга чиққан шахсларга иқтисодий класс минимал тарифидан 20 фоиз миқдорида (48,9 млрд. сўмлик 33 450 дона чипта сотилган бўлиб, ушбу тоифадаги жисмоний шахсларга берилган чегирма 9,9 млрд. сўмни ташкил этди). Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисига — 50 фоиз миқдорида. Шунингдек, чет эллик сайёҳлар учун халқаро қатновларда тарифлар 30 фоизгача пасайтирилди.

У. Ҳусановнинг сўзларига МАК молиявий иқтисодий департаменти директори Алишер Сатторов қўшимча қилди:

— Лоукостер, монополия бўйича кўпчиликни битта масала қизиқтиради. Арзон нархлар, қулай хизмат. Мана, масалан, ўтган йили қиш мавсумида биз энг кўп қатнов уюштириладиган Москва йўналишидаги нархларни 80 еврогача туширдик. Мана шуни лоукостер аломатлари, монополия сусайгани сифатида баҳолаш мумкин. Қолаверса, Россиядан туристик оқим ошиб бормоқда ва кўпчилик бизнинг хизматлардан фойдаланмоқда. Ҳолбуки, Россиядан бизга учиб келишда 9 та авиакомпания хизмат кўрсатади. Демак, бизни танлашлари бежиз эмас.

## «Очиқ осмон» сиёсати

БМТнинг Туризм бўйича халқаро агентлиги маълумотларига кўра, бугунги кунда бутун Яқин Шарқдаги халқаро туризмдан келадиган даромаднинг учдан бир қисми айнан Дубай ҳиссасига тўғри келади. Унинг сайёҳликдан оладиган даромади 2017 йилда 31 фоиз ошиб, 77 миллиард дирҳам (21 миллиард АҚШ доллари)ни ташкил этди. 2017 йилда мазкур шаҳарга ўртача 16 миллион нафар сайёҳ ташриф буюрди, 2020 йилда эса ушбу кўрсаткични 20 миллион нафаргача етказишга ҳаракат қилинмоқда.

Сўнгги ўттиз йил давомида мутлақо чўлда дунёнинг энг йирик мегаполисларидан бирига айлантирилган Дубайга бугун сайёҳлар нима учун интилмоқда?

Мутахассисларнинг фикрича, энг сўнгги меъморчилик ютуқлари асосида қад ростлаган осмонўпар бинолари билан бутун дунёни ҳайратга солаётган мазкур шаҳарга бошқа кўплаб омиллар қатори йўл харажатларининг нисбатан арзонлиги ҳам чет элликлар оқими муттасил ўсишини таъминламоқда.

Дубай амири Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум ўз кундаликларида шундай ёзади:

“1970-йиллар охирида биз Дубайда “Очиқ осмон” сиёсатини юрита бошладик.

Аэропорт кўпроқ авиакомпанияларни жалб қилиш мақсадида қурилди. Биз дунёдаги ҳар қайси авиакомпания Дубай аэропортида исталган миқдорда қўниш сонини бронь қилиш ҳуқуқига эга, деб эълон қилдик.

“Очиқ осмон” сиёсатининг мақсади бизнинг рақобатбардошлигимизни ошириш ва иқтисодиётнинг янги тармоқларини ривожлантиришдан иборат эди...

...1985 йил 25 октябрь куни укам, шайх Мактум билан бирга эндигина ташкил қилинган “Эмирейтс Эйрлайн” авиакомпаниясининг биринчи рейси билан Карачига йўл олдик. Янги авиакомпанияни эксплуатацияга киритиш жараёнидаги асаббузарликлардан ҳориган бўлсакда, жуда завқ-шавққа тўла эдик. Бу ҳали узоқ ва мураккаб йўлнинг бошланиши эканлигини билардим.

Бугун “Эмирейтс Эйрлайн” энг яхши авиаташувчи сифатида кўплаб халқаро мукофотларга сазовор бўлди. У 30 йилдан ортиқроқ даврни қамраб олган узоқ ва самарали тарихга эга. 2018 йилда унинг умумий даромади 28 миллиард долларни ташкил қилди. 100000 кишилик жамоа ва 260 та кенг фюзеляжли самолёт паркига эга авиакомпания бутун дунё бўйлаб йилига 60 миллион йўловчига хизмат кўрсата олади”.

Халқаро тажрибадан олинган сабоқ шуки, нафақат сайёҳлик, балки миллий иқтисодиётни ривожлантиришимиз учун ҳам мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини қайта кўриб чиқиш вақти келди. Тизимда ҳалол рақобат ва шаффофлик таъминланмас экан, муаммо эса муаммолигича қолиб кетаверади. Моҳият ўзгармайди.

**Юнус БЎРОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Ўлмай туриб «дафн этилганлар»

*Аслида “Ўлмай туриб ўлиш” Шарқ фалсафасида чуқур ўрганилган ҳамда инсонни икки дунё саодатига етакловчи талқинлардан бири сифатида келтирилади. Унга кўра, киши ўз нафсини ислоҳ қилиш орқали юқори мақомга, яъни камолотга эришиши мумкин. Улуғ авлиёлар ана шундай зотлар бўлган. Аммо бугун биз сўз юритмоқчи бўлган воқеа бутунлай бошқача, яъни одоб-ахлоқ доирасидан чиқиб, ҳали ўлмай туриб ўзига қабр қаздирган ва камига уларнинг устига ҳашамдор тошлар қўйдирган кимсалар ҳамда дафн ва дафн этишга доир қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижроси хусусидадир...*

## Маҳаллий Кенгашларда

Айнан шундай ҳолатлар таҳлилига бағишланган халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси аввалгиларидан кўра мутлақо ўзгача тарзда ўтди. Бундай дейишимизга асос бор. Одатда маҳаллий Кенгашлар сессиялари ва доимий комиссиялар йиғилишлари бир хилда ўтар: депутатлар номигагина иштирок этар, ҳали унчалик чуқур ўрганилмаган масалаларни қўл кўтариб, тасдиқлаб беришарди, холос. Натижада нима бўлди? Уларнинг фаолияти Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида, қолаверса, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда танқидий баҳоланди.

Ниҳоят, танқидлар таъсир қилди чоғи, бу галги сессия баҳс-мунозаларга, тортишувларга бой бўлди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг “Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги қарорининг Самарқанд шаҳридаги ижроси юзасидан ўтказилган ўрганиш натижалари кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, депутатлик гуруҳи томонидан ушбу масала бўйича сўровномалар тегишли ташкилот ва идораларга юборилган. Натижа чакки эмас. Аввало, шаҳар ҳудудидаги 40 та қабристонга хизмат кўрсатувчи махсус техникалар янгиланди, 27 та қабристон назоратчиси ва қоровул штат бирлиги жорий қилиниб, барчаси махсус кийим билан таъминланди. Шунингдек, “Навбоғчиён” қабристонига маҳаллий бюджетдан 158 миллион сўм маблағ ажратилиб, 218 метр қисми девор билан ўралди. Мавжуд 500 метр деворлар қайта таъмирдан чиқарилди. “Супер” қабристонига эса 130 миллион сўм маблағ ажратилиб, 205 метри девор билан ўраб олинди. Ишчилар учун ювиниш хонаси, омборхона, тобутхона, таҳоратхона ва ҳожатхоналар қуриб берилди.

**Зайнаб БЕРДИЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:**

*— Ўрганишлар давомида қонун талабларининг Самарқанд шаҳридаги ижроси кўнгилдагидек эмаслиги маълум бўлди. Масалан, Хўжа Абду Дарун қабристони ўрганилганида, айрим қабрлар чўкканлиги, қабрларни сақлаш ва устига ёдгорлик ўрнатиш тартиби бузилганлигига гувоҳ бўлдик. Хусусан, узунлиги 1,5, эни 1, баландлиги 0,5 метрдан 1 метргача ўлчамдаги қабр усти ёдгорликлари ўрнатиш аниқ белгиланган бўлса-да, айримлари юзаси 10 — 16 квадрат метр эканлигини кўриб ажабландик.*

*Бунданам ёмони, баъзи юртдошларимиз ҳали ўлмай туриб ўзларига қабр учун ер сотиб олгани, устига катта-катта гумбазлар қурдиргани, боз устига, қабртошга туғилган санасию йили ва исм-шарифини ёздириб қўйганлигини кўриб, ёқа ушладик. Бу миллий ва диний қадриятларимизга умуман тўғри келмайди.*

**Бегмурод ИСМОИЛОВ,**
**Тайлоқ тумани бош имом-хатиби:**

*— Бугунги кунда айрим одамларда “Мен сендан кам эмасман!” деган манманлик туйғуси авж олган. Ота-онаси, яқин қариндошига тириклигида эҳтиром кўрсатмайди-ю, оламдан ўтгач, қабрларига катта-катта мармарларни ўрнатиб, зебу зийнатга буркашга одатланмоқда. Бу ҳам етмагандек, ўзларига қабр ҳозирлаш, тирик бўла туриб қабртоши ёздиришдек хунук манзараларни кузатяпмиз. Бу муқаддас ислом динимизга, шариатимизга мос эмас. Ахир ҳеч бир инсон қачон вафот этишини-ю қаерга дафн этилишини билмайдики-ку, бу ёлғиз Парвардигорга аён.*

*Буларнинг ўрнига одамларни ва Яратганни рози қиладиган амалларни бажаришса, ҳар икки дунё саодатини қозонадилар. Хўш, аслида ўлмай туриб “ўлганлар” ким ўзи? Улар ҳам ўзимиз сингари одамлар, юртдошларимиз! Фақат бундай кимсалар манманлик касалига йўлиққан, “кимўзарлик” қутқусига берилган. Энди уларни фақат маърифатгина бу балодан қутқариши мумкин. Шундай экан, биз, диний уламолар ҳам маънавий тарғиботларимизда ушбу масала аслида қандай бўлиши кераклигини асосли тарзда тушунтириб боришимиз зарур.*

Сессия якунида бундай салбий иллатларни тушунтириш-тарғибот ишлари билан бартараф этиш мумкин, деган якдил хулосага келинди ва шу юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

**Умид СОРИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Айрим шифохоналар инвесторлар бошқарувига ўтказилиши мумкин

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.*

## Янгилик

Мазкур йўналишдаги истиқболли лойиҳалардан бири юртимизда гемодиализ клиникасини барпо этишга қаратилган. Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари, Халқаро молия корпорацияси ҳамкорлигидаги ушбу лойиҳанинг ҳаётга жорий этилиши беморларга диализ хизматларидан фойдаланишда янада кенг қулайликлар яратади. Айни вақтда лойиҳа тендер босқичида. Гемодиализ клиникасини давлат-хусусий шериклиги асосида ривожлантириш учун 10 дан ортиқ йирик хорижий инвесторлар қизиқиш билдирган. Қайд этиш керакки, Халқаро молия корпорацияси мазкур лойиҳанинг асосий маслаҳатчиси сифатида иштирок этмоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда маҳаллий инвестор томонидан стерилизация хизматини давлат-хусусий шериклиги асосида ташкил этиш ташаббуси ҳам ўрганилмоқда. Бу тиббий жиҳозлардан юқиши мумкин бўлган кўпгина касалликларнинг олдини олишда жуда муҳим.

Яна бир лойиҳа — инсультдан кейинги реабилитация марказини ташкил этиш. Ушбу марказда бир вақтнинг ўзида 200 нафар бемор реабилитация хизматларидан фойдаланиш имконига эга бўлади.

Бундан ташқари, пойтахтимиздаги айрим шифохоналарни тез орада давлат-хусусий шериклиги асосида маҳаллий инвесторлар бошқарувига ўтказиш режалаштирилган.

Умуман олганда, Ўзбекистон тиббиёт тизими янги ривожланиш босқичида. Юртимизда соғлиқни сақлаш хизмати кўрсатиш тизимига давлат-хусусий шериклигининг кириб келиши соҳада рақобатни кучайтириб, ҳар томонлама сифатли, замонавий, ижтимоий аҳамияти юқори лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишига замин ҳозирлайди.

**Дилшод КАРИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ташаббус

# Йигитлар ибрати

*Балиқчи туманидаги Туркистон маҳалласи йигитлари ажойиб ташаббус билан чиқдилар.*

— Кўчаларимиз тунда ҳам кундузгидек чароғон бўлди, — дейди маҳалла фаоли Иброҳимжон Шамсутдинов. — Ёшлар интилишлари туфайли 7 миллион сўм маблағ эвазига 2 минг метр масофадаги симёғочларга электр симлари тортилиб, тежамкор чироқлар ўрнатилди.

Ўзгалар мурувватига кўз тикиб ўтиришни ўзларига муносиб билмаган бу йигитлар тез орада ободончилик борасидаги бошқа лойиҳаларни ҳам амалга ошириш ҳаракатида.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Хабар

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2019 ЙИЛ 25 МАЙДАН 31 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 19 апрелдаги 53, 2019-29-сон “Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварағига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

**2019 йил 27 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-2. (2019 йил 27 майдан кучга кирди).**

2. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 8 майдаги 196-мҳ-сон “Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасидаги идоравий статистика кузатувлари шаклларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2019 йил 29 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3162. (2019 йил 30 майдан кучга кирди).**

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 27 майдаги 2, 21-2019-қ/қ, 66-сон “Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарори.

**2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-6. (2019 йил 31 майдан кучга кирди).**

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 30 майдаги 234-мҳ-сон “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида”ги буйруғи.

**2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 546-1. (2019 йил 30 майдан кучга кирди).**

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 27 майдаги 64, 12, 2019-34-сон “Тошкент шаҳридаги кичик саноат зоналарида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан имтиёзларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

**2019 йил 30 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2924-1. (2019 йил 31 майдан кучга кирди).**

6. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

**2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3163. (2019 йил 31 майдан кучга кирди).**

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 31 майдаги 237-мҳ-сон “Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

**2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3113-2. (2019 йил 1 июндан кучга кирди).**

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 26 апрелдаги 111-сон “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб-қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги буйруғи.

**2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929-1. (2019 йил 1 июндан кучга кирди).**

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 26 апрелдаги 112-сон “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарнинг ички тартиб-қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги буйруғи.

**2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3073-1. (2019 йил 1 июндан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган Пенсионерларни иш қидирувчи сифатида рўйхатга олиш, улар билан меҳнат шартномаси алоҳида асослар бўйича бекор қилинганда моддий мадад бериш кафолатлари ва пенсия тўлашга доир тушунтириш (рўйхат рақами 546, 1998 йил 23 ноябрь).

**Адлия вазирининг 2019 йил 30 майдаги 234-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.**

***Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.***

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ**

**2019/2020 ўқув йили учун қуйидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади.**

**I. Бакалавриат таълим йўналишлари бўйича:**
***1. Хореография (турлари бўйича): ўқиш муддати — 4 йил:***
— «Касбий таълим» («Хореография педагогикаси») таълим йўналиши;
— «Хореография жамоалари раҳбари» таълим йўналиши.
***2. Сиртқи бўлим (хореография турлари бўйича): ўқиш муддати — 5 йил.***
***3. Санъатшунослик (хореография соҳасида): ўқиш муддати — 4 йил.***
Абитуриентлардан қуйидаги ҳужжатлар қабул қилинади:
— паспорт асл нусхаси;
— ўрта ёки ўрта махсус маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
*Ҳужжатлар 15 июлгача қабул қилинади.*

**II. Магистратура мутахассисликлари бўйича:**
— Хореография санъати ва хореография;
— Санъат назарияси ва тарихи (хореография).
*Ўқиш муддати — 2 йил.*
*Ҳужжатлар 30 июлгача қабул қилинади.*
Магистратура учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:
— ректор номига ариза;
— паспорт асл нусхаси;
— дипломнинг асл нусхаси;
— 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-уй, метронинг «Космонавтлар» бекати, 140-автобус ва 67-йўналишли таксининг «Хореография олий мактаби» бекати. Телефон: 71-256-24-36, факс: 71-252-22-29. www.mrxom.uz**

*ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ.*

558R/376










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 52 427 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-6788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Каримова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.55 Топширилди — 00.25 1 2 3 4 5 6